
Ҳайдовчининг маст ҳолатда эканлиги алкотестер ёрдамида аниқланади

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом 2018 йил 14 декабрь куни Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди. Бу ҳақда вазирликнинг телеграмдаги «Ҳуқуқий ахборот» [канали](#) орқали хабар берилди.

Низомга мувофиқ, ҳайдовчиларнинг алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолатда эканлигини аниқлаш ички ишлар органининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (ДЙҲХХ) ходимлари томонидан амалга оширилади.

Ҳайдовчиларнинг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш бўйича текширув алкотестер (ҳавога чиқарилган этанол буғларини аниқловчи ва текширув натижаларини қоғозда акс эттирувчи махсус техник восита) ёрдамида амалга оширилади.

Қуйидагилар ҳайдовчиларнинг алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигини аниқлаш учун текширув ўтказишга асос бўлади:

ҳайдовчининг оғиз бўшлиғидан алкоғол ҳиди келиши;

ҳайдовчи бир ҳолатда тўғри тура олмаслиги (чайқалиб туриши);

ҳайдовчи нутқининг бузилганлиги;

ҳайдовчи қўл бармоқларининг қалтираши;

ҳайдовчи юз териси рангининг сезиларли ўзгарганлиги.

«Газета.uz»

2018-12-17 08:09:40